

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 609-ҳадис

609 – وَعَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعَبْدَ التَّقِيَّ الْغَنِيَّ الْحَفِيَّ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2965].
والمُرَادُ بـ «الغني»: غني النفس، كما سبق في الحديث الصحيح [برقم 534].

609. Саъд ибн Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Аллоҳ тақводор, бой ва хилватнишин бандани яхши кўради»,
деганларини эшитганман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўлиқ шакли қуйидагича бўлган.

«Саъд ибн Абу Ваққос туяларининг олдида эди, ёнига ўғли Умар келди. Саъд уни кўриб, «Бу отликнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», деди. (Ўғли) уловидан тушиб, «Туяларингиз ва қўйларингиз ичида юриб, одамларни бир-бири билан мулк талашсин деб ташлаб келдингизми?» деди. У ўғлининг кўксига бир урди-да, «Жим бўл! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Аллоҳ тақводор, бой ва хилватнишин бандани яхши кўради»**, деганларини эшитганман», деди».

Қалб учун тафаккур майдонига киритадиган узлатга ўхшаш манфаат йўқ.

Узлат халқдан узилиб, Холиқ билан ёлғиз қолишдир. Холиқ билан ёлғиз қолиш, халойиқ атрофида Холиқдан ажратадиган, ўртага тўсиқ бўладиган нарсалардан холи қолиш демакдир. Мана шу ёлғиз қолиш, қалб учун энг яхши, энг манфаатли нарса экан. Узлат – қалбнинг дам олиши, бўш қолиши учун эмас, тафаккур қилиши учундир. Руҳий тарбияда қалб деб аъзо эмас, фикрни, ҳиссиётни жамлайдиган, унга таъсир ўтказадиган руҳий, латиф нарса тушунилади. Ҳиссиётларни қалб орқали қабул қилиб оламиз, ҳиссиётга керак бўлмаган қисми, яъни ақлга керакли қисми олинмайди.

Қалб кўп амалиётни ўзида бажаради. Руҳий тарбиядаги қалб жисмоний аъзо бўлмиш юракка ҳам таъсирини ўтказади. Қўрқиб кетганда юракнинг тез уриши, асабийлашганда яна бошқа, сиқилганда бошқача, ҳурсандчиликда яна бошқача бўлишини мисол қилсак бўлади. Мана шундай ҳолатларда ҳам қалбнинг холи қолиши манфаатли бўлади. Фикрнинг тиниклашувига, соғлом бўлишига ёрдам беради.

Ғарб руҳиятшунослари бизга ўргатаётган, “Сиқилган, асабийлашган, чараган пайтингда ҳамма нарсани ташлаб, ёлғиз қол!” каби тавсиялар бизнинг динимизда анча аввал ўргатилган.

Узлат Пайғамбар алайҳимуссаломларда ҳам бўлган. Масалан, Мусо алайҳиссалом пайғамбар бўлишларидан аввал узлат қилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам пайғамбарликдан аввал, холи қолишни хоҳлаб қолганлар. “Таҳаннус” ибодати, яъни руҳий покланиш ибодатини қилганларидан кейин қалблари, руҳлари тайёр ҳолатга келган. Ибодат қилганлар, тафаккур қилганлар, жоҳилият ишларини қалблари инкор қилган. У зотнинг узлатлари таҳаннус билан тўхтаб қолгани йўқ, яъни узлатни тарк этмаганлар. Фақат кўриниши ўзгарган. Пайғамбарлик келганидан кейин узлат шаръий ҳукмга айланиб, ибодат мақомига чиққан, яни эътикофга айланган.

Узлат деганда бола-чақадан узилиб, чилла ўтиришни тушуниш керак эмас. Ҳар кун узлат қилишимизнинг имкони бор. Масалан, таҳажжуд намози. Бу пайт чалғитувчи нарсалардан узилиб, қалб тинчланади, шовқинлардан холи бўлади. Демак, узлат саксон кун, қирқ кун, ўн кун каби узоқ муддатга эмас, бир неча соат бўлса ҳам қалбнинг Аллоҳ билан ёлғиз қолишидир.

Туннинг аввалги қисмида керакли-кераксиз ҳар турли арзимаган ишлар учун бедор бўламиз. Кўзимизни ачиштириб бўлса ҳам, нафсимиз лозим топган нарсаларни бажарамиз. Нега энди Аллоҳ учун туннинг охириги қисмида бедор бўлмаймиз? Нега Аллоҳ учун туннинг охириги қисмида кўзларимизни озгина ачитолмаймиз? Нега энди таҳажжуд учун имкон тополмаймиз?

Хумул умумийроқ, узлат эса хусусийроқ маънода. Хумул инсонга маълум даражага етишгунича, узлат эса бир умрга керак. Имконимиз борича ҳар

куни ярим соат-бир соат, имкон қила олмасак, ҳафтада бир марта жума кунда жума намозигача бир-икки соат узлат қилишимиз фойдалидир. Зикр айтиб, тафаккур қилиб, Аллоҳ билан ёлғиз қолишимиз лозим. Бошланишида камроқ вақтдан йўлга қўйиб, секин-аста узайтириб борсак, бўлади, иншааллоҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI